



“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг  
ривожланиши бўйича 2021 йил  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

*Ташкент ш.*



## МУНДАРИЖА

1. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ.....	3
2. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.....	3
3. ЖАМИЯТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ.....	4
4. ИНВЕСТ ЛОЙИХАЛАР РЕЖАСИ .....	4
5. 2021 ЙИЛГА МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ .....	5
5.1. 2021 ЙИЛ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ БАЛАНСИНING РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	5
6. 2021 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ ....	7
6.1 ЖАМИЯТНИНГ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	7
7. ЖАМИЯТНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЪЗОНИ..	7
8. ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАСИ ВА ХОДИМЛАР СИЁСАТИ.....	8
9. ХОДИМЛАР СОНИ ВА ИШ ҲАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ.....	9
10. МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАР:	

*Илова - 1. Жамиятнинг марказий аппарати тузилмаси;*

*Илова - 2. Кредитлар ва уларни тўлаш жадвали;*

*Илова - 3. Жамиятнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари;*

*Илова - 4. Харажатлар ва даромадлар сметаси ва расишифровкаси;*

*Илова - 5. Амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалар рўйхати;*

*Илова - 6. 2021 йилга кутилаётган ишлаб чиқариш ва истеъмол баланси;*

*Илова - 7. Таннархни камайтириш режаси;*

*Илова - 8. Экспорт ва импорт прогноз кўрсаткичлари;*

*Илова - 9. Соф фойдани тақсимлаш;*

*Илова - 10. Маҳсулот (хизмат)лари сотиш. Дебитор ва кредитор қарздорлик;*

*Илова - 11. Тизимдаги корхоналар рўйхати ва Бошқарув органлари тўғрисида маълумот;*

*Илова - 12. Жамиятни трансформация қилиш чора-тадбири;*

*Илова - 13. Давлат бюжетига тўловлар;*

*Илова - 14. Иш ҳақи тўлаш тизими;*



## 1. МАЪЛУМОТНОМА

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Ўзбекистон МЭТ” АЖ, Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПҚ-4249-сон қарорига асосан тугатилган “Ўзэлектртармоқ” УК ва “Ўзбекенерго” АЖ “Энергосотиш” филиали негизида ташкил этилган.

Жамият фаолиятининг мақсадлари:

- республиканинг магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;
- электр энергияни республиканинг магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;
- электр энергияни экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш;
- электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, магистраль ва ҳудудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик бошқариш;
- электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергияни ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш;

Ижро этувчи аппарат ва ташкилий тузилма “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорнинг 2019 йил 26 апрелдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган.

Бошқарув аппарати таркиби 288,5 штат бирлигини ташкил этади 1-илова.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг алоқа маълумотлари: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй, факс (+998 71) 208-56-01, e-mail: info@uzbekistonmet.uz

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ таркибига 16 та филиал, “Ўзэнергоинжиниринг”, «Энергомахсусавто» МЧЖ ва “Gridcon” МЧЖлар киради.

## 2. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқарув органлари акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарув аппарати ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖда барча оддий акциялар битта акциядорга - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига тегишли бўлиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.

Ушбу Қонунда ва жамият уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар ягона акциядор томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан шахсан қабул қилинади ва ёзма равишда ижро этилади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Кузатув кенгаши 7 кишидан иборат бўлиб, уларнинг



номзодлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижро этувчи орган - Жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Кенгаш 5 аъзодан иборат, шу жумладан, бошқарув раиси ва тўрт нафар бошқарув раиси ўринбосарлари, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг қарорига биноан лавозимга тасдиқланади.

Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва 3 кишидан иборат.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ устав капитали 4 892 285 268 500 сўмни ташкил этади, номинал қиймати 100 сўм бўлган 48 922 852 685 дона оддий акцияларга бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарори ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 3к-ПО-сон буйруғига мувофиқ “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖни ташкил этиш жараёнида чиқарилган барча акциялар Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили бўлган давлатга тегишли.

### 3. ЖАМИЯТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096 сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ўтказилган 87-сон Баёнининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖни трансформация қилиш, харажатни қисқартириш, жараёнларни рақамлаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Энергетика вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тасдиқлаштириш учун киритилган.

### 4. Инвестиция режаси

2021 йил янги ишлаб чиқариш қувватларни яратиш, модернизация ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларни реконструкция қилиш бўйича 10 та йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда, уларнинг умумий қиймати **669,9 млн. АҚШ долл.** бўлиб, 2021 йилда **124,0 млн. АҚШ долл.** ўзлаштириш кўзда тутилган.

2021 йилда умумий қиймати 124,0 млн. АҚШ долл. тенг бўлган капитал қўйилмаларни ўзлаштириш кўзда тутилган, жумладан:

- Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар – 107,4 млн. АҚШ долл.;
  - Соҳа маблағлари – 16,6 млн. АҚШ долл.
- Шундан:*
- 8 та лойиҳа янги қурилиш – 69,9 млн. АҚШ долл.;
  - 2 та лойиҳа модернизация ва реконструкция – 54,10 млн. АҚШ долл.

Жамият томонидан инвестиция лойиҳаларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни мамлакат ҳукумат томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш учун барча чоралар қўрилмоқда. 10 та инвестиция лойиҳалар бўйича тармоқ ва босқичма-босқич жадваллари ишлаб чиқилмоқда.



**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиши бўйича 2021 йил учун бизнес-режаси**

Шу билан бирга, Дастурда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар бутун республика, шунингдек алоҳида электр марказлари учун электр таъминотининг ишончилигини оширишга ёқилғи-энергетика ресурслари, айниқса табиий газ истеъмолини камайтиришга, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришга, паст кучланишли электр тармоқларини ва қайта тикланадиган манбаларни ривожлантиришга қаратилган.

Соҳани ривожлантириш дастури лойиҳасига киритилган инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ истеъмол қилинадиган электр энергияси учун тушумлари кўпайтириш ҳисобига саноатнинг ўз маблағларини топиш бўйича ишларини давом эттиради.

*Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати. 5-илова.*

**2020-2021 йилларда инвестиция лойиҳаларни амалга ошириладиган янги, модернизация ва реконструкция қилиш учун инвестициялар динамикаси.**

*млн. АҚШ долл.*

Номи:	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563 қарорига асосан		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937 қарорига асосан	
	Жами капитал кўйилмалар 2020 йилда	шу жумладан, соҳа маблағлари	Жами капитал кўйилмалар 2021 йилда	шу жумладан, соҳа маблағлари
<b>Жами:</b>	<b>121,3</b>	<b>60,9</b>	<b>124,0</b>	<b>16,6</b>
янги қурилиш	93,6	58,4	69,9	11,4
модернизация ва реконструкция	27,7	2,5	54,1	5,2

**5. 2021 йилга Магистрал электр тармоқлар орқали узатилаётган электр энергияси**

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖда 2021 йил Магистрал электр тармоқлари орқали узатилаётган электр энергиясини кутилаётган ҳажми 57 200,00 млн кВт.соатни ва электр энергиясини узатишдаги технологик сарфлар 1 751,5 млн кВт.соатни ташкил этиши кутилмоқда.

**5.1 2021 йилга электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истемол қилиш баланси прогнозлари бўйича маълумот**

**1. Ишлаб чиқариш**

Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимот балансининг 2021 йилга мўлжалланган прогноз параметрлари 11 та иссиқлик электр станцияларда (қуввати 14,2



минг МВт бўлган) ва 42 та гидроэлектростанцияларда (қуввати 1,9 минг МВт бўлган) электр энергиясини ишлаб чиқариш билан таъминланади.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш республика бўйича 72 431,3 млн. кВт.с ёки 2020 йил кўрсаткичларига нисбатан 6 006,5 млн. кВт.сга (109,0%) кўп.

Шу билан бирга, иссиқлик электр станцияларда 65 571,2 млн. кВт.с электр энергияси ишлаб чиқарилиши прогноз қилинмоқда, бу Тўрақўрғон, Тахиятошда янги иссиқлик электр станцияларида ва Фарғона ИЭМда янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳамда Сирдарё ИЭСда юкламаларни ошириш ҳисобига 2020 йилдаги кўрсаткичдан 4 826,5 млн. кВт.с га (107,9%) кўп.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг гидроэлектр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш миқдори, ўрта-узоқ йиллик гидроманбаларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, 6 200,0 млн. кВт.с ташкил этади, бу эса 2020 йилга нисбатан 1 179,4 млн. кВт.с ёки 123,5% га кўп.

Республика ташкилотларининг блокстанциялари томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш 580,1 млн. кВт.с ни ташкил этади, шундан “Олмалиқ ТМК” АЖда 200,0 млн. кВт.с, “Uz-Kog Gas Chemical” МЧЖ кўшма корхонасида 380,1 млн. кВт.с соатни ташкил қилади. Қўшни республикалардан импорт қилинадиган электр энергия миқдори 6 347,0 млн. кВт.с ни ташкил этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 2021 йилга мўлжалланган электр энергиясининг манбаи 78 778,3 млн. кВт.с ни ташкил этади ёки бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 7 047,6 млн. кВт.с га кўп.

## **2. Истеъмол**

2021 йилда республика бўйича электр энергияси истеъмоли 76 512,3 млн. кВт.с ни ташкил этади, бу 2020 йилга нисбатан 7 456,1 млн. кВт.с га (110,8%) кўп. Республиканинг иссиқлик ва гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқаришнинг 4 965,7 млн. кВт.с миқдорга кўпайиши сабабли, тармоқ ичидаги электр энергиясини истеъмол қилиш ҳажми 603,0 млн. кВт.с га ошиши кутилмоқда.

Республика энергия тизимининг электр тармоқлари орқали электр энергияси узатиш сарфи 10 397,3 млн. кВт.с ни ёки манбанинг 13,2 % ни ташкил этади.

Республика истеъмолчиларини электр энергия билан таъминлаш 62 769,5 млн. кВт.с ни ташкил қилади (6 760,0 млн. млн. кВт.с га кўп ёки 112,1%), шу жумладан иқтисодиёт тармоқларига 47 140,9 млн. кВт.с электр энергияси етказиб берилади, бу 2020 йилдаги етказиб бериладиган ҳажмдан 5 980,2 млн. кВт.с (114,5%) га кўп.

Электр энергиясини истеъмол қилишнинг кўпайиши катта истеъмолчилар (“Навоий КМК” ДК, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзбекенгилсаноат” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ) томонидан ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан боғлиқ.

Аҳолини электр энергияси билан таъминлаш қишлоқ жойлардаги фойдаланишга топширилаётган янги турар-жой массивларини ҳисобга олган ҳолда, 15 628,6 млн. кВт.с ни ташкил қилади (779,8 млн. кВт.с га кўп ёки 105,3%).



### 3. Экспорт

Афғонистонга 2 266,0 млн. кВт.с электр энергиясини экспорт қилиш кутилмоқда, бу 2020 йилдан 408,5 млн. кВт.с га (84,7%) кам.

*2021 йилга электр энергия ишлаб чиқариши ва истеъмол баланси. 6- илова*

## 6. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

2021 йилга мўлжалланган бизнес-режаси кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини барқарорлик даражасига эришишига олиб келади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг соф тушум режаси 19 130,4 млрд.сўмни ташкил этади. Ишлаб чиқариш харажатлари 21 095,9 млрд.сўмни, давр харажатлари 292,2 млрд.сўмни, молиявий фаолият харажатлари 316,4 млрд.сўмни ташкил этади. 2021 йилда белгиланган тарифлар сақланиб қолган шароитда Жамиятнинг молиявий фаолияти 2 574,2 млрд.сўм миқдоридан зарар билан яқунланади. Шу билан бирга “Ўзбекистон МЭТ” АЖ 2021 йилда ўз маблағлари ҳисобидан 326,0 млрд.сўм миқдоридан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва халқаро молия институтлари ва республика тижорат банкларида жалб қилинган кредитлар бўйича 515,2 млрд.сўм (29,8 млн.долл ва 203,9 млрд.сўм) миқдоридан тўловларни амалга оширади.

Жамиятнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш, ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва илгари жалб қилинган кредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида, электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлаш бўйича ички тармоқ тарифларини қайта кўриб чиқиш ва истеъмолчиларга етказиб бериладиган электр энергияси учун келиб тушадиган пул маблағларини тақсимлашнинг амалдаги тартибига ўзгартириш киритиш зарур бўлади.

*2021 йил учун режаслаштирилган молиявий ресурслар. 4- илова.*

### 6.1 ЖАМИЯТ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

#### Компаниянинг кредит мажбуриятлари:

Жамият бўйича 2020 йил кредит мажбуриятларидан давлат кафолати билан олинган чет эл валютасидаги 20,059 млн.АҚШ доллари миқдоридан тўловлар амалга оширилган. Шундан 12,3 млн.АҚШ долларида асосий қарз ва 7,6 млн.АҚШ доллари миқдоридан фоиз тўловлари амалга оширилган. Тижорат банклари ҳамда бюджет ссудаси бўйича 156,5 млрд.сўм миқдорда кредит тўловлари амалга оширилган. 2020 йил давомида кредит қарздорликлари ўз вақтида тўлаб берилган.

2021 йилда кредит маблағларини қайтариш миллий валютада 215 312,0 млн.сўмни, шундан 211 195,2 млн.сўм асосий қарз ва 4 116,8 млн.сўм кредитга ҳисобланган фоизлар. Хорижий валютада 25 445,2 минг АҚШ долларни, шундан 15 554,3 минг АҚШ доллари миқдоридан асосий қарз ва 6 433,6 минг АҚШ доллари миқдоридан кредитга ҳисобланадиган фоизлар. Комиссия хизматлари, АҚШ доллари миқдоридан 1 457,3 млн.сўмни ташкил этади. (АҚШ доллари курси тахминан 10 900,0 сўм).

*2021 йилда кутилаётган кредит тўловларини қоплаш бўйича маълумотлар. 2- илова.*



## **7. ЖАМИЯТНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги УП-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилдаги 2017-сонли қарори, “Баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низом компаниялар ва давлат улушига эга бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар. “Ўзбекистон МЭТ” АЖ фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳар чоракда Жамият ижроия органлари томонидан ҳисоботлар тингланиши ва амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлар топширилади.

*Жамиятнинг 2021 йилга самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезони. 3- илова.*

## **8. ХОДИМЛАР СИЁСАТИ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ РЕЖАСИ**

### **8.1. 2021 йилга тизимдаги ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини саломатлиги бўйича**

Энергетика тизимида ходимларнинг соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётини кўникмаларни шакллантириш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари, уларнинг саломатлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида Жамиятимизда ижтимоий соҳа объектларига катта эътибор берилди. Жамият таркибида 8 та ижтимоий, маданий ва дам олиш масканлари бўлиб: 2 та тиббий санитария қисми, дам олиш маскани, санатория, соғломлаштириш мазкази, спорт комплекси ва дам олиш зоналари ҳар йили ўртача 4 минг нафар жамиятимиз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ижтимоий соҳа объектлари кенг қамровдаги тиббий хизматларини тақдим этади. Ходимларга малакали терапевт, невропатолог, дерматолог, эндокринолог, гинеколог, уролог, лор, окулист, жарроҳ, стоматолог, УЗИ, рентген, қон таҳлили ва физиотерапия муолажалари бўйича тиббий қисимлар, умуртқа поғонаси касалликларини бўйича соғломлаштириш маркази, республикада ягона бўлган сераводородли минерал сувли ванналар билан юрак қон-томир системаси, ҳаракат таянч органлари ва асаб касалликлари бўйича санатория олий даражадаги тиббий хизматларни кўрсатиб келмоқда. Шунингдек дам олиш масканлари ходимларимизга ёзги ва қишки теннис кортларини, волейбол, баскетбол ва футбол майдонларини тақдим этади.

Жамият томонидан 2021 йилга ишлаб чиқилган чора-тадбирга кўра энергетика тизимидаги 4 720 киши ва уларнинг оила аъзоларига соғломлаштириш дам олиш масканлари ва болалар лагерлари ташкил этилган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун ўртача 37 000,0 млн.сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

### **8.2. КАДРЛАР СИЁСАТИ**

Жамиятда жамият фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган кадрлар сиёсати тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилган бўлиб, у Жамиятни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун инсон ресурсларини (ходимларини) бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш, бозорнинг ўзгарувчан талабларига ўз вақтида жавоб бера оладиган малакали юқори самарали жамоа яратиш тизимини белгилайди.



Жамиятда энергетика тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш бўйича, устивор вазифа ва талабларга мувофиқ аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Жамият раҳбарлари ва мутахассисларидан юқори ташкилотлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги ва бошқалар) ва Жамиятимизда ходимларни турли ўқув марказларига тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун мунтазам равишда юборилади ва ташкил этилади. Ҳар йили олий ўқув юртларида энергия тизими учун энергетика мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

Энергетика соҳаси учун ёш, истиқболли кадрларни тайёрлаш мақсадида Жамият ходимларини ўқитиш учун ўз маблағларини ажратмоқда.

Кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ёш истиқболли мутахассислар раҳбарлик лавозимларига юборилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратурасига номзодлар ҳужжатлари юборилди.

2021 йилда Жамият маблағлари ҳисобидан тўлов-контракти асосида 8 нафар талаба И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида ва 35 нафар ходимлар Республика олий таълим муассасаларида махсус сиртқи таълим йўналиши бўйича таҳсил олади. Шунингдек, бир нафар ходим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ЛБМА қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги бизнес ва бошқарув Республика олий мактаби магистратурасида таълим олади.

## **9. ХОДИМЛАР СОНИ ВА ИШ ҲАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ**

2021 йилга “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖда умумий ишловчи ходимлар сони 4 720 та ва иш ҳақи фонди ижтимоий солиқни ҳисобга олган ҳолда 215,6 млрд.сўм ташкил этмоқда.



**Информация по кредитам АО "Национальные электрические сети Узбекистана",  
(Национальный валюте) на 01.01.2021г.**

№	Цель кредита (проект)	Наименование банка	% и срок кредита	дата и № кредитного договора	Сумма кредита	Всего за 2021г:	2021 год		
							основной долг	%	комиссия банка
	<b>АО "Национальные электрические сети Узбекистана"</b>				<b>365,300.0</b>	<b>215,312.0</b>	<b>211,195.2</b>	<b>4,116.8</b>	
1	Погашение кредиторская задолженность АО "НЭС" перед тепловые электрические станции	Мин.Фин	ссуда 2% годовых на 18мес (срок28.02.2021г)	дог№03-05-19/188 от 10.09.2019г	<b>325,300.0</b>	202,615.1	198,973.0	3,642.0	
2	Строительство ЛЕП 220кВ Тахиаташская ТЭС – ПС “Хорезм” – населенный пункт Сарымай” и “Строительство ЛЭП-500кВ Сурхан-Пули-Хумри (Ходжа-Алван)”	УзПСБ	22% на 1 год (срок 31.01.2021)	кред.дог№156 от 31.01.2020г	<b>20,000.0</b>	3,393.6	3,333.3	60.3	
3	ПП-4563 для инвест.проектов	УзПСБ	23% на 1 год (срок 26.04.2021)	кред.дог№584 от 27.04.2020г	<b>20,000.0</b>	9,303.4	8,888.9	414.5	

Информация по кредитам АО "Национальные электрические сети Узбекистана" (в иностранный

№	Цель кредита (проект)	Основание для получения кредита (ПП, ППЗ)	Наименование банка	Поручитель (Гарантия)	дата и № кредитного договора	Выбранные и полученные кредиты с января 2021г	Всего оплата с января 2021 г. по 01.02.21г	в том числе		Задол-сть на 01.01.2021г.	в т.ч. задолженность 01.01.2021г		всего: 2021г.	в том числе		
								основной долг	проценты банка		основной долг	проценты банка		основной долг	%	комиссия банка
<b>АО "Национальные Электрические Сети Узбекистана"</b>											<b>222,495.9</b>	<b>222,495.9</b>	<b>23,445.2</b>	<b>15,554.3</b>	<b>6,433.6</b>	<b>1,457.3</b>
<b>Кредиты Исламского банка развития</b>											<b>13,542.2</b>	<b>13,542.2</b>	<b>6,285.1</b>	<b>5,642.4</b>	<b>642.7</b>	
1	Строительства линии электропередачи 500кВ Гузар-Сурхан и подстанции	ПП-1122 от03.06.2009г.	ИБР МФИ	Правительственный кредит	UZB-0038 от 02.09.2008г.					9,699.5	9,699.5		3,952.8	3,640.1	312.7	
2	«Строительство ВЛ 500кВ Сырдарынская ТЭС – ПС Согдиана (II-цепь)» на прибор Оборудование, консультиац услуги	ПП-105 от 22.06.2005г.	ИБР МФИ	Министерства финансов Республики Узбекистан	UZB-014 от 14.09.2004 г					2,461.5	2,461.5		1,305.9	1,145.6	160.3	
3	«Строительство ВЛ 500кВ Сырдарынская ТЭС – ПС Согдиана (II-цепь)» на прибор Оборудование, консультиац услуги	ПП-105 от 22.06.2005г.	ИБР МФИ	Министерства финансов Республики Узбекистан	UZB-015 от 14.09.2004г					1,381.1	1,381.1		1,026.4	856.7	169.7	
<b>Всего кредиты Международного банка реконструкции и развития</b>											<b>82,712.8</b>	<b>82,712.8</b>	<b>6,849.5</b>	<b>5,383.8</b>	<b>1,465.7</b>	
4	"Строительство объектов внешнего электроснабжения тяговых подстанций строящейся электрифицированной железнодорожной линии Ангрэн-Пап"	ПП-1985 от 18.06.2016	МБРР МФИ	Министерства финансов Республики Узбекистан	№8465-UZ от 31.07.2015г					10,081.9	10,081.9		850.0	542.0	308.0	
5	"Модернизация и реконструкция подстанций магистральных сетей"	№ПП-3284 от 16.09.2017г	МБРР МФИ	Гарантия РУ	Заемное соглашение №8664-UZB от 20.09.2017г.								232.0		232.0	
6	Строительство ВЛ-500кВ Талимарджанской ТЭС-ПС Согдиана с ОРУ-500 кв на Тал.ТЭС	ПП-1609 от 27.08.2011г.	МБРР МФИ	Гос.Гарантия РУз	№8009-UZ от 03.11.2011г					72,631.0	72,631.0		5,767.5	4,841.8	925.7	
<b>Кредиты Всемирного банка (МАР)</b>											<b>42,062.4</b>	<b>42,062.4</b>	<b>830.7</b>			<b>830.7</b>
7	"Модернизация и реконструкция подстанций магистральных сетей" с участием МАР	№ПП-3284 от 16.09.2017г	Всемирный Банк МАР МФИ	Гарантия РУ	№5917-UZB от 20.09.2017г.					5,034.9	5,034.9		81.0			81.0
8	"Модернизация и реконструкция подстанций магистральных сетей" с участием МАР	№ПП-3284 от 16.09.2017г	Всемирный Банк МАР МФИ	Гарантия РУ	№5916-UZB от 20.09.2017г.					37,027.5	37,027.5		749.7			749.7
<b>Кредиты Азиатского банка развития</b>											<b>46,182.2</b>	<b>46,182.2</b>	<b>2,682.1</b>	<b>2,336.2</b>	<b>341.6</b>	<b>4.3</b>
9	Строит солнечной фотоэлектрической станции мощ. 100 МВт в Самаркандской обл.	ПП-2183 от 04.06.2014г.	АБР МФИ	Министерства финансов Республики Узбекистан	№3058/59 от 21.11.2013г.(04.10)					590.6	590.6		54.1	36.2	13.6	4.3
10	Строительство ЛЭП 220кВ Тахияташская ТЭС-ПС Хорезм населённый пункт Сарымай (Хорезмск.Обл.)	ПП-2541 от 02.06.2015г	АБР МФИ	Министерства финансов Республики Узбекистан	№3285-UZB от 16.03.2016г.					45,591.6	45,591.6		2,628.0	2,300.0	328.0	
<b>Кредиты Эксимбанка (УзПСБ)</b>											<b>26,303.2</b>	<b>26,303.2</b>	<b>3,043.6</b>	<b>2,191.9</b>	<b>851.8</b>	
11	Проект "Строительство ВЛ-500 кВ Сырдарынская ТЭС-Ново-Ангренская ТЭС"	ПП-1831 от 17.10.2013г	Регулируем ые Эксимбанк (КНР) ПСБ	Министерства финансов Республики Узбекистан	№04-118 от 12.11.12г					26,303.2	26,303.2		3,043.6	2,191.9	851.8	
<b>Кредиты Фонда реконструкции и развитие (Узбекистан)</b>											<b>11,693.1</b>	<b>11,693.1</b>	<b>396.7</b>		<b>396.7</b>	
12	Строительство объектов внешнего электроснабжения ООО "Ташкентский металлургический завод"		ФРР УзПСБ	Министерства финансов Республики Узбекистан	Кредитный договор 04-124 от 25.08.2019г.					11,693.1	11,693.1		396.7		396.7	
<b>Кредиты Европейского банка Реконструкции и Развития</b>													<b>3,357.5</b>		<b>2,735.2</b>	<b>622.3</b>
13	Строительство ВЛ 220 кВ в габаритах 500 кВ от Навоийской ТЭС до переключательного пункта 220 кВ "Бесопан"		ЕБРР	Министерства финансов Республики Узбекистан	№58691 от 20.11.2019г.								2,471.2	2,471.2		
14	«Строительство подстанции Мурунтау 500/220 кВ с двумя автотрансформаторами 3х167 МВА»		ЕБРР	Министерства финансов Республики Узбекистан	№50117 от 08.10.2018г.								886.3	264.0	622.3	

## 2021 йилга "Ўзбекистон МЭТ" АЖнинг самарадорликнинг асосий ва қўшимча муҳим кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	Меъёр	I-чорак		6-ойлик		9-ойлик		2021 йил.	
			Удельный вес	Режа						
1	Прибыль до вычета процентов, налогов и амортизации (ЕБИТДА) (млн.сум)*									
2	Соотношение затрат и доходов (CIR)*									
3	Рентабельность привлеченного капитала (ROCE)*									
4	Рентабельность акционерного капитала (ROE)*									
5	Рентабельность инвестиций акционеров (TSR)*									
6	Рентабельность активов	>0	14.0	0.02	14.0	0.02	14.0	0.02	14.0	0.03
7	Коэффициент абсолютной ликвидности	>0,2	12.0	0.2	12.0	0.2	12.0	0.2	12.0	0.2
8	Коэффициент финансовой независимости	>1	15.5	1.00	15.5	1.00	15.5	1.00	15.5	1.00
9	Оборачиваемость кредиторской задолженности в днях		14.0	90	14.0	90	14.0	90	14.0	90
10	Оборачиваемость дебиторской задолженности в днях		15.0	90	15.0	90	15.0	90	15.0	90
11	Коэффициент покрытия (платежеспособности)	>1,25	15.3	1.25	15.3	1.25	15.3	1.25	15.3	1.25
12	Дивидендный выход		0.0		0.0		0.0		0.0	
13	Показатель снижения дебиторской задолженности (в % к установленному заданию)		14.20	100%	14.20	100%	14.20	100%	14.20	100%
	<b>Жами:</b>		<b>100.00</b>		<b>100.00</b>		<b>100.00</b>		<b>100.00</b>	

\*1-5 гача кўрсатилган молиявий тахлил кўрсаткичлари, (МСФО) халқаро стандартлар ёрдамида ҳисоблаб аниқланади.

№	Кўрсаткичлар	Меъёр	I-чорак		6-ойлик		9-ойлик		2021 йил.	
			Удельный вес	Режа						
1	Объем товаров продукции		12.5	100%	12.5	100%	12.5	100%	12.5	100%
2	Новый рабочий места		12.5	100%	12.5	100%	12.5	100%	12.5	100%
3	Выполнения инвестиционной программы в денежном выражении		12.5	100%	12.5	100%	12.5	100%	12.5	100%
4	Показатель выполнения параметров экспорта (в % к денежному объему)		12.5	100%	12.5	100%	12.5	100%	12.5	100%
5	Коэффициент износа основных средств	>0,5	12.0	0.5	12.0	0.5	12.0	0.5	12.0	0.5
6	Коэффициент обновления основных средств	>0,2	12.0	0.2	12.0	0.2	12.0	0.2	12.0	0.2
7	Производительность труда (тыс.сум)		14.0	1,900	14.0	1,900	14.0	1,900	14.0	1,900
8	Коэффициент текучести кадров	>1	12.0	1.00	12.0	1.00	12.0	1.00	12.0	1.00
	<b>Всего</b>		<b>100.0</b>		<b>100.0</b>		<b>100.0</b>		<b>100.0</b>	

## 2021 ЙИЛГА КУТИЛАЁТГАН МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

млн.сўм

	Кўрсаткичлар номи	2021 йилга режа	1 -чорак	2 - чорак	3 -чорак	4 - чорак
	<b>ДАРОМАД</b>					
<b>1</b>	<b>Соф тушум</b>	<b>19,130,408</b>	<b>5,096,321</b>	<b>4,456,797</b>	<b>4,408,685</b>	<b>5,168,604</b>
	<b>Бошқа даромадлар</b>	<b>52,000</b>	<b>7,500</b>	<b>15,500</b>	<b>14,500</b>	<b>14,500</b>
<b>II</b>	<b>ХАРАЖАТЛАР</b>					
<b>2</b>	<b>Ишлаб чиқариш таннархи</b>	<b>21,095,965</b>	<b>5,297,482</b>	<b>4,560,799</b>	<b>4,845,660</b>	<b>6,392,024</b>
2.1.	ЁММ	7,061	1,749	1,764	1,755	1,793
2.2.	Электр энергиясини сотиб олиш	19,471,787	4,892,647	4,183,844	4,449,861	5,945,435
